



«Ўсма кетар, кош қолар» (1981), «Ота ўғитлари» (1985), «Зарб» (1987) каби китоблари нашр этилган.

«Афандининг қирк бир пашшаси» (шу номда қисса ҳам ёзган, 1989) номли песаси ҳам бор. Публицистик асарлар ҳам ёзган («Боёвут», 1986; «Майиз атрофидаги гаплар», 1990 ва бошқалар).

Плутархнинг «Искандар Маки-дунли» (1998) асарини ҳамда П. Василевнинг «Тўсик», «Ўлчамлар» каби қиссаларини, рус адаби С. Залигиннинг «Комиссия» романини ўзбек тилига таржима қилган.

факультетида бирга ўқишган.

Ўтган йили Рауф Парфининг ҳам 70 йиллиги атрофида қанча шов шувлар бўлишига қарамай шоир ҳақидаги эсдалик ва шеърлар китоби чоп этилмай қолди, унинг юбилеи ҳам тантаналар арафасида тўхтатилди...

Бугунги сиёсатлашган ёзувчилар уюшмасида Зоҳир Аъламлар турадиган алоҳида қора рўйхат бор.

Бу рўйхатдагилар бирорта ҳам йиғин ва ё маракага таклиф этилмайдилар.

Менда — Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бу каби “таъқиқланганлар” тоифасига мансуб ўз аъзоларини аллақчон тобутга солиб, хайр хушсиз

ТАНИҚЛИ ЎЗБЕК ЁЗУВЧИСИ ЗОҲИР АЪЛАМ ВАФОТ ЭТДИ

Бугун Тошкентда таниқли ўзбек ёзувчиси Зоҳир Аълам 71 ёшида юрак хуружидан вафот этгани ҳақида машъум хабар келди.

У бир пайтлар “Бирлик” ва “Эрк”ка хайрихоҳ инсон эди.

Шунинг учун бўлса керак, Мустақилликнинг сўнги йигирма тўрт йилида унга бирор жойда бир кун ҳам иш берилмади.

У 1943 йилда туғилган эди. Ўтган йили унинг етмиш йиллиги ҳам бирор жойда нишонланмади.

Зоҳир Аълам кўзга кўринган ва таниқли ёзувчи эди.

Совет даврида унинг биринчи китоби — «Бахтли билет» (1972), «Муқаддима» (1978), «Ҳаммаси бир бинода», «БАМ манзаралари» (1978), «Кийик кўзлари» (1981),

Унинг «Зарб» номли ҳикоялар тўпламини ўқиганда мен хали университет талабаси эдим.

Лекин мустақиллик даврига келиб унинг бирорта асари чоп этилмади. Гўё у ёзишдан тўхтаб қолгандек...

Ҳолбуки бу йилларда ҳам у тинмай ижод қилди, ўлмас асарлар яратди.

Ҳали биз бу асарларни ўқийдиган бахтли кунлар ҳам келади. Бунга шубҳам йўқ.

Зоҳир Аълам туркий халқларнинг буюк шоири Рауф Парфининг курсдоши эди.

Ҳали журналистика факультети бугунгидек алоҳида ажралиб чиқмаган пайтда улар университетнинг филология

қабристонга обориб кўйгандек тасаввур уйғонади баъзан...

Зоҳир Аълам таланти ёзувчи, яхши инсон эди. Ҳалол ва диёнатли умр кечирди. Ноҳалол ва диёнатсиз яшай олмади.

Шунинг учун ҳам умрининг кейинги йигирма тўрт йилини ёлғизлик ва унутилишда, хўрлик ва таҳрирликда ўтказди.

Ҳали шундай замонлар келадики, Зоҳир Аъламга ўхшаш ростгўй, иродали ва бардошли, матонати улуг инсонлар кадрланади.

Уларнинг муборак номлари халққа қайтиб берилади. Мен бунга ишонаман.

Исмаи Хушев,

Торонто, Канада, 13 апрел, 2014 йил.

МУҲАММАД СОЛИХ: «ЗОҲИР АЪЛАМ ТУҒРИ СЎЗНИ АЙТГАН САНОҚЛИ ЁЗУВЧИЛАРДАН ЭДИ»

71 ёшида оламдан ўтган атоқли ёзувчи Зоҳир Аълам душанба куни пешин намозидан кейин Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Оқтепа қабристонидан тупроққа берилган.

Адибнинг юрак хуружидан вафот этгани айтилади.

Зоҳир Аълам истеъдодли ёзуви бўлиш бирга, 1980-йиллар охирида

миллий мустақиллик ғояларини кўтариб чиққан зиёлиларнинг олдинги сафларида турган адиблардан эди.

У Ўзбекистон тарихидаги икки йирик сиёсий ташкилот — «Бирлик» халқ ҳаракати ва «Эрк» партияларининг ташкил этилишида фаол рол ўйнаган ва уларнинг раҳбар органларида фаолият олиб

борган.

Мустақиллик йилларида Зоҳир Аъламнинг асарлари мактаб дарсликларидан олиб ташланган ва 2006 йилда унинг пьесаси асосида таниқли кинорежиссёр Шухрат Аббосов томонидан суратга олинган «Бир куни афанди» бадиий филми намойиши тақиқлаб қўйилган.

Муҳожиротда яшаётган таниқли ўзбек шоири ва сиёсатчиси Муҳаммад Солих хотирлайди.

bbc.co.uk/uzbek



Эри бундан 15 йил олдин қамалган вокзал худудида яшовчи, Маҳмуд полвоннинг аёлига ёпишиб олган бу галамис мелисалар.

Кармана туманида бундан 5 йил олдин қамалган намозхон Хўжаев Нодирнинг ҳам аёли шу бадбахтлар кўлида, зиндонда!

Мелисаларнинг ҳам

Шантажни кўряписизми? Акаси муҳожир бўлиб чиқиб кетган бўлса, укасини қамаб гаровда ушлаб туради бу “каримовчи”лар. Бу ҳукумат эмас, бир бандитлар ҳокимиятига ўхшайди.

Хўш бунга нима дейсизлар? Ким бу муслима аёлларни ҳимоя қилади? Бу муслималар нафақат обрўсизлантирилаяпти, балки муслмонларга қарши ишлашга мажбур қилинаяпти. Чунки “тепадан” шунақа буйруқ келган.

“Каримовчи”лардан кўрилаётган кулфатлар

Навоий шаҳрида шу кунларда ҳукумат органлари томонидан муслмонларга нисбатан бўлаётган зулмларни ҳар ким ҳам билмаса керак.

Ҳа энди муслмонларни эзиш ҳукуматнинг биринчи куниданоқ давлат тамойилига айланган бўлса, қолаверса, бу адолатсизлик ҳар кун систематик такрорланаверса, унга ҳеч ким эътибор ҳам бермай кўяр экан. Барибир, ҳеч бўлмаса “дод” деб қолайлик деб ушбу мақолани ёзгман.

Олдин эркак муслмонлари қамалиб, қолганлари қочиб кетган бу диёрда “навбат” аёлларга келган кўринади.

МХХ деб аталмиш ИАКни қўриқлайдиган ташкилот билан бирга ички ишлар ходимлари Навоий вилоятида нечта аёл хижобда эканлигини ҳисоблашга тушишди.

Атиги рўмолли 5 та муслима қолибди холос. Бу ёмон кўрсаткич шекилли, барчаси “рўмолсизлантирилсин” деган кўрсатма олишди.

Яна қама-қама. Камида ўн беш сутка, аёллар бош яланг бўлиб рўмолини ечсагина қўйиб юборишяпти, баъзилари ҳамон турмада қолишмоқда.

бахонаси ўзлари каби бачкана. Эмишки, “сизлар печенье пишириб сотасизлар.

Қамоқдагиларингизга ҳаммани шу печеньеларни олиб борасизлар. Мана шу печеньеларингиз сизларнинг паролларингиз. Унда ҳар хил кодларни ёзиб узаро алоқа қиласизлар!” — деган сузларни айтишяпти.

Тавба, дейсан киши, шунчалик ҳам разиллик, пасткашлик буладими?

Бу “қўлга олинган” ожизаларга бундан ташқари бошқа, таъйиқлар ҳам қилинмоқда. Масалан, “ёки бизга ишлайсан, ёки кўпдан бери қамалиб ётган бегона эркаклар билан бир камерага қамаб кўямиз!

У ёғи нима бўлишини ўзинг биласан. Расмга ҳам оламиз кейин эрларинга кўрсатамиз, чиқиб кетган бўлса интернетдан расмларни юборамиз”, — деб кўрқитишяпти.

“Бизга ишлайсан” — дегани интернетда, ижтимоий тармоқлар — одноклассники, в контакте, ватс-ап ва бошқаларда адрес очиб берамиз сен эса бошқаларни исломга, жиҳодга, исломий тузум ўрнатишга қақирасан, қолганини бизга қўйиб бер ўзимиз биламиз!” — дейишяпти. (интернетда танишишдан эҳтиёткорлик шарт!)

Бу мақолани ўқиб турган инсон агар исломдан йироқ бўлса, ҳа энди намоз ўқимай кўя қолсинда, шу рўмолини боғламаса ҳам бўлади, дейиши мумкин.

Лекин ўзбекларнинг, айниқса “каримовчи”ларнинг оғзидан тушмайдиган Амир Темур, бутун бир шаҳарга номи берилган Алишер Навоийлар, Увайсию Нодирабегимлар бу ўзбекларнинг идеалларику!

Амир Темур бенамоз, Нодирабегим беҳижоб эди, дея олмайдику ҳеч ким!

Университет-у мактаб заллари бошида салласи бор Беруний, Улугбек, ал Хоразмий, Форобийлар билан тўлаку! Сароймулк ҳоним ва Бибиҳонимлар албатта хижобда бўлишган!

Ўзбекларнинг тарихи бу исломку! Келиб чиқадики, ҳукуматни ўзи бизни курашишга провакация қиляпти. Халқ шунга мажбур бўлади. Мен ҳам юқоридаги воқеаларга гувоҳ сифатида, ҳаммани “каримовчи”лар тузган тузумни бузишга, унга қарши курашишга қақираман! Кўрқманлар — битта бошига битта ўлим бор! Ўлим эса кечикмайди ҳам, бевақт ҳам келмайди.

РУСТАМ

ЎЗБЕКИСТОН МАСЖИДЛАРИДА НОРОЗИЛИКДАН ТИЙИЛИШГА ЧАҚИРУВЧИ ДАЪВАТЛАР ЯНГРАМОҚДА

Украинадаги ходисалар ортидан Ўзбекистон масжидларида аҳолини норозиликдан тийилишга чақирувчи ваъзлар ўқиладиган бўшланган.

Андижондаги Девонабой масжиди имоми 11 апрель кунини жума номозига келганларга норозилик бўлишлик, танқид қилишлик бу хоинлик билан барабар экани, бунинг охирада жавобгарлиги

борлиги ҳақида гапирган.

Девонабой масжидида имом маърузасини тинглаган андижонликлардан бири бу ҳақда Озодликка қуйидагиларни айтди:

- Имомнинг кечаги маърузасида гап хоинлик, норозилик бўлишлик ҳақида кетди.

«Муаммолар бўлса, қийинчиликлар бўлса бундан норозилик бўлиш, учта-тўртта

одам бўлиб тўпланиб, танқид қилишлик, буларни барчаси хиёнат саналади», деб янги имом кечаги жума номозига гапирди.

Огоҳлантирияттики, қиёматда хоин деган бир байроқ берар экан.

Шу норозилик бўлганлар, қарши чиққанлар, четга ўтиб уч-тўрт киши бўлиб тўпланганларни ҳаммаси у дунёда хоин деган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

байроқни кўтариб юрар экан. Лекин ҳеч қанақа ҳадисларни келтирмади, — дейди ўз исми сир қолишини истаган андижонлик.

Сухбатдошимизга кўра, имом норозилик деганда нима назарда тутилаётганини аниқ айтмаган. Жума номозига келганлар гап нима ҳақда кетаётганини ўзлари тушуниб олишган.

- Норозилик, танқид қилишлик деганда нима назарда тутилаётганини имом очиқ-ойдин айтмаяпти. Энди ҳаммамиз тушунамизку, норозилик нимадан чиқаётганлигини.

Масалан, электр йўк, газ йўк, нафақа берилмаяпти, болалар пахтага чиқариляпти.

Бизни тушунишимизча бундан норози бўлишлик хоинлик бўлиб чиқаяпти, — дейди андижонлик.

Андижондаги Девонабой масжиди имомининг ўзидан бу ҳақда изоҳ олишнинг имкони бўлмади. Масжид мутаваллиларидан бирининг айтишича, аҳолини тинчлик, осойишталикка чакирувчи ваъзлар ўқилиши одатий ҳолдир.

Ўзбекистонда масжидлар ҳукумат сиёсатини халққа етказишга ҳаракат қилиб келади.

Ўзбекистон президенти Ислам Каримов ҳам ўз чиқишларидан бирида имомларни тинчлик, осойишталикни сақлашга қаратилган ваъзларни кўпроқ ўқишга чақирганди. Жумладан, Араб баҳори ҳақида гапирган Каримов:

«Бу муаммоларга бизнинг муносабатимизни халқимизга етказишимиз зарур. Имом-хатиблар жума намозларида бизнинг қарашимиз мана бундай, деб тушунтириб берасак, ўз тинчлигимизга тинчлик қўшамиз» — деган эди. Украинадаги ҳодисалар ортидан эса Ўзбекистон масжидларида яна аҳолини тинчликка чакирувчи, норозилик кайфиятларидан тийилишга оид ваъзлар айтила бошланган.

Бундай чақириқлар айниқса Андижон масжидларида айтилаётгани бежиз эмас. 2005 йилнинг 13 май куни Ўзбекистон шарқидаги бу шаҳарда ҳукуматдан норози минглаб одам Бобур майдонига тўпланган.

Ўз ҳуқуқ ва эркини талаб қилиб чиққан оламон ҳукумат кучлари тарафидан ўққа тутилганди.

ozodlik.org сайтидан олинди



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР НАРХИ 10 КУНДА ЎРТАЧА 50%ГА ОШДИ

Қиш мавсуми охирида баҳор келиши билан полиз экинлари ва бошқа турдаги озиқ овқат маҳсулотларида нархларнинг бироз кўтарилиши одатий ҳол ҳисобланади. Бироқ, бу йил Ўзбекистон бозорларидаги бундай ўзгаришларда кескинлик кузатилди.

Айниқса, сўнги ўн кун ичида тирикчилик учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган нарх-навонинг кескин ошиб кетиши кўпчиликни ташвишга солиб қўйди.

Масалан, 18 апрель куни пойтахт бозорларида сабзавот экинлари ва озиқ овқат маҳсулотларига бўлган нархлар куйидагиларни ташкил қилади:

Картошка нархи марказий Чорсу бозори, ТТЗ даҳасидаги “Ширин” бозори ва Юнусобод бозорларида 3000 сўмни ташкил этади.

Маҳаллий кичик бозорларда эса картошка нархи 3500 сўмгача чиққан.

Марказий бозорларда янги картошканинг нархи эса 4500-5000 сўмгача боради. Бундан ўн кун илгари ушбу маҳсулотга бўлган нарх 2000 сўмни ташкил қилган.

Пойтахт бозорларида пиёзнинг нархи 10 кун илгари марказий бозорларда 800 сум, 1 ой илгари 500 сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги нарх 1500 сўм бўлиб қолмоқда. Ўтган йили шу пайтда пиёзнинг нархи 400 сўм атрофида бўлган. Сабзининг нархи эса ҳозирда 2000 сўмгача кўтарилган.

Бу эса ушбу маҳсулотга бўлган нархнинг ўн кун ичида деярли 70%га ошганини кўрсатади.

Бундан ташқари, аҳоли учун энг зарур бўлган ун-дон маҳсулотларида ҳам нархларнинг ошганлиги кузатилди.

Озиқ-овқат ва полиз экин маҳсулотларини аҳоли учун арзонлаштирилган нархларда сотиш учун ярмаркалар ташкил қилинган ва бу фуқароларга маҳсулотларни бироз арзонроқ, бироқ чекланган миқдорда сотиб олиш имконини беради.

Бир ой олдин, Чилонзор туманидаги “Фарход” бозорида ташкил қилинган бундай ярмаркаларда 1 кг Қозоғистоннинг биринчи навли уни 1150 сўмдан сотилаётган эди. Бугунга келиб унинг нархи 1600 сўмга чиққан.

Полиз экинлари савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар нарх-навоининг бу тарзда кескин ошишига асосий сабаб, сўнги ўн кун ичида сабзавотлар тақчиллиги юзага келгани билан боғлашмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ПФ-4582 сонли Президент фармони билан 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,05 баравар оширилган эди.

Унга кўра энг кам иш ҳақи — 96 105 сўм, ёшга доир пенсиялар — 187 970 сўм, болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — 187 970 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа эса 115 340 сўм миқдорига белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТДИ

Ўш шаҳрида 14 апрел куни эрта тонгдан аҳоли газсиз қолди, дея хабар беради Turmush.kg наشري.

Ўшнинг газ хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, Ўзбекистон Қирғизистон жанубига газ узатишни тўхтатди. Газ етказиб беришни тўхтатилишига сабаб “Қирғизгаз” ва “Ўзбектрансгаз” ўртасида табиий газ етказиб бериш бўйича тузилган шартнома муддатининг тугагани бўлган.

Ўзбекистоннинг “Ўзтрансгаз” компанияси билан имзоланган шартномада, агар “Қирғизгаз” ўз эгасини ўзгартирадиган бўлса, Қирғизистонга газ етказиб берилиши тўхтатилиши кўзда тутилган.

Энди “Ўзбектрансгаз” табиий газ етказиб бериш бўйича “Қирғизгаз”ни сотиб олган “Газпром” билан битим имзолайди. “Қирғизгаз” вакилларининг маълум қилишларича, Ўзбекистон билан янги шартнома бўйича музокараларни “Қирғизгаз”ни 1 долларга сотиб олган Россиянинг «Газпром» вакиллари олиб бориши режалаштирилган, бироқ “Қирғизгаз”нинг сотилиши билан боғлиқ жараён чўзилиб кетгани сабаб, Ўзбекистон томони билан вақтида шартнома имзолаш имкони бўлмаган.

“Қирғизгаз” ЁАЖ раҳбарияти ҳозирда Москвада мазкур масалани ҳал қилмоқда.

Газ узатиш тизими қачон тикланиши ҳозирча номаълум. Айти пайтда Қозоғистон Қирғизистоннинг шимолига газ етказиб бериш бўйича шартномани 2014 йилнинг иккинчи чораги учун узайтирди. Келишув бўйича, “Қозоктрансгаз” компанияси кўшни республикага 100 миллион кубометр газни ҳар минг кубометрини 224 доллардан етказиб беради.

Шундай қилиб, Қирғизистон шимолида газ таъминоти билан боғлиқ узилишлар бўлмайди.

Қозоғистон газ тўлиқ ҳажмда етказиб берилишини, Қирғизистон эса тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлаган.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 мартдаги 8, 23, 01/19-26/11-сон қарорига мувофиқ Қўриқлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида намунавий шартнома тасдиқланди.

Мазкур намунавий шартнома бюджет ташкилотлари ҳамда

Ўзбекистонда қўриқлаш хизмати бўйича намунавий шартнома тасдиқланди

хўжалик юритувчи субъектлар учун мўлжалланган. Намунавий шартнома милициявий, ҳарбий ва соқчилик қўриқлаш кўринишида техник қўриқлаш пунктдан фойдаланган ҳолда буюртмачининг мулкни қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбурияти, буюртмачининг эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини назарда тутди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги 16-сон “Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишни



тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан нодавлат ташкилотлари ва жисмоний шахсларга қўриқлаш хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилган.

Ушбу қарор билан давлат ва хўжалик бошқарув органлари ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар ҳамда бюджет ташкилотлари рухсат бериш режими ўрнатиш ва мулкни қўриқлашда шартнома асосида фақатгина ИИБ қошидаги “Қўриқлаш” бирлашмаси хизматидан фойдалана олишлари белгиланган.

UZBEK.FM

АШХОБОД ВА ДУШАҶБЕ АФҒОНИСТОН ОРҚАЛИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛОЙИҲАСИНИ ИЛГАРИ СУРИШМОҚДА

Inozpress.kg нашрининг ёзишича 16 апрель куни Туркменистон ва Тожикистон ҳукуматлараро даражада транспорт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишган. Муҳокама жараёнида асосий эътибор “Туркменистон-Афғонистон-Тожикистон” (ТАТ) темир йўлини қуриш бўйича лойиҳага қаратилган.

Туркменистон ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган икки томонлама музокараларда Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов ишироқ этган.

“Икки давлат делегациялари томонидан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, шу жумладан, “Туркменистон-Афғонистон-Тожикистон” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандум” доирасида транспорт соҳасидаги икки томонлама истиқболли ҳамкорлик алоқалари муҳокама қилинди”, – дейилади Туркменистон ҳукумати хабарномасида.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида сиёсий маслаҳатлашув ҳам бўлиб ўтган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, ТАТ темир йўл йўлаги лойиҳаси 2013 йил июнь ойи бошларида ишлаб чиқилган бўлиб лойиҳа иштироқчилари учун сиёсий, иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Келажакда ушбу лойиҳага Хитой, Эрон ва Қирғизистоннинг ҳам қўшилиши кутилмоқда.

Бундан олдин Туркменистон томони 400 км масофани қамраб олган ТАТ магистрали 2015 йилга келиб қурилиб битказилиши ҳақида хабар берганди. Мазкур лойиҳа ишга туширилган тақдирда Ҳинд океани қирғоқларидаги денгиз портлари орқали Марказий Осиёдан жаҳон бозорига янги бир йўлак очилади. Шу билан бирга, мазкур йўналиш Россия орқали Болтиқ денгизи қирғоқларигача бўлган масофадан анча қисқалиги билан аҳамиятлидир.

UZBEK.FM

Пойтахтнинг халқаро мақомга эга бўлган аэропортида йўловчиларга юк аравачасидан фойдаланиш учун жетон сотиб олиш тартиби бекор қилинди.

Ўтган йил ёзида жорий қилинган тартибга кўра, Ўзбекистонга хориждан келган ёки хорижга чиқиб кетаётган йўловчилар юк араваси учун 3000 сўм эвазига жетон сотиб оларди.

Тартиб бўйича йўловчилар аравачадан фойдаланиб бўлгач уни аэропортдаги белгиланган жойга

Миллий авиаширкатга мурожаат билан чиқди ва бу масала йўловчилар фойдасига ҳал бўлди”, дея маълум қилган мазкур кўмита.

Эндиликда Тошкент аэропортида йўловчилар юк аравачаларидан текин фойдаланиши мумкинлиги билдирилган.

Ҳафта сўнгида пайдо бўлган хабар Ўзбекистон ва ундан ташқарида яшаётган ўзбекистонликлар орасида



ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ЮК АРАВАЧАЛАРИ УЧУН ЖЕТОНЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ, АММО...

қайтариб бериши ва унинг учун топширган гаровини қайтариб олиши лозим эди.

Бундан айниқса Тошкент аэропортига келиб тушган ва ёнида ўзбек сўми бўлмаган меҳмонлар ўнғайсизлик сезганлар.

Пойтахт аэропортида ана шу тартибнинг бекор қилингани ҳақида маҳаллий матбуот республика хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси маълумотларига таяниб хабар тарқатди.

Айтилишича, мазкур кўмита пойтахт Тошкент аэропортида юк ташиш масаласида бир қатор муаммолар ва қийинчиликларга дуч келаётганлари ҳақида йўловчилардан шикоят аризалари олган.

“Фуқаролар ва меҳмонлар аризасини ўрганиб чиққан мазкур кўмита ўз тузилмаси таркибида бўлган “Ўзбекистон ҳаво йўллари”

тортишувларга сабаб бўлди.

Кимдир рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси “ақилли қарор” қабул қилган деса, яна бошқа бири расмийлар қарорини “тутуриқсиз”, дея изоҳлаган.

Баҳсда катнашганларнинг кўпчилиги “мамлакат юзи, миллат юзи саналган аэропорт жаҳон стандартига мослаштирилиши, зеро Ўзбекистонга келаётган хорижлик меҳмонларда бу мамлакат ҳақидаги илк тасавур айнан аэропортда пайдо бўлади”, дея мулоҳаза билдирганлар.

Кўпчилик фикрича, Тошкент аэропортида муаммолар хали талайгина.

“Масалан пассажирларни текшириш жараёни, аэропорт ходимлари, чегара ходимларининг қўпол муомаласи, соатлаб сўроқ саволлар, тинтувлар.

Бунга ўзбеклар ўрганиб кетган, аммо ташқаридан келган меҳмонлар-чи?.

Ундан ташқари самолёт учун

билетларни валюта эвазига олиш, ташқарига нақд пул олиб чиқмаслик каби тартиблардан халқ роса чарчаган.

Жетондан кўра ана шу муаммолар ҳал қилинса жуда зўр иш бўларди”, деб ёзган ўзини Камила деб таништирган Интернет фойдаланувчиси.

Айни пайтда Россияда меҳнат мухожирлигида бўлиб қайтаётган ўзбекистонликлар Тошкент аэропортида йўловчиларга тегишли мобил телефонлар, компьютер ва флеш карталардан республика қонунлари бўйича мамлакат ҳудудида таъқиқланган материалларни қидириш жараёни ҳаддан ортиқ кучайтирилгани ва бунинг ортидан йўловчилар бир неча соатлаб текширилаётгани, баъзиларига ҳатто маъмурий иш очилаётгани айтилади.

Кузатувларга кўра, махсус хизматлар ходимларидан иборат гуруҳ Тошкент ва республика бошқа шаҳарларидаги аэропортларда йўловчилардан асосан диний мавзудаги материалларни аниқлаш бўйича иш олиб бораётир.

UZBEK.FM



Ф. Тиллаев ва Н. Жуманиёзовларга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди

Ҳайъат мажлиси 16 дақиқа давом этди, Ф. Тиллаев ва Н. Жуманиёзовларга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

Қозоғистонлик гувоҳ — Жанар Демеуовани судга чақиртириш ҳақидаги илтимосномани суд эътиборсиз қолдирди. «Жабрланувчи» ҳисобланган Ф. Пардаев ва Э. Эрдановларнинг кўрсатмалари иш материалларига зид эканлигига апелляция ҳайъати эътибор ҳам қаратмади. Дастлабки дақиқаларданок ҳайъатнинг суд

ҳукмига ўзгартириш киритмаслиги аён бўлди.

Суд ва тергов жараёнида камчиликларни бартараф қилиш, иш бўйича баъзи ойдinликларни киритишга ҳеч қандай ҳаракат қилинмади. 2014 йил 6 мартдаги Шайхонтохур туман судининг ноқонуний ҳукми ва 2014 йил 17 апрелдаги Тошкент шаҳар суди апелляция ҳайъатининг ажрими устидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш учун шикоят аризаси топширилади.

ЎХХ ахборот бўлими

2014 йилнинг 17 апрель кuni жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Жазони енгиллатиш учун шикоят аризасини ўзи алоҳида ёзганлиги туфайли ҳайъат мажлисига фақат Н. Жуманиёзов олиб келинди.

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “От боқинг, отни мерос ўлароқ олинг ва мерос қолдиринг. Чунки от сизга бобонгиз Исмоилнинг меросидир”, деган (369).

Исмоил алайҳиссаломнинг суннат бўлиши ва арабчани ўрганиши

Исмоил алайҳиссалом 13 ёшида суннат бўлди (370). Журхумийлардан арабчани ўрганди (371). Арабчани ўрганганида 13 ёшда бўлиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари ичида Ҳижозда арабчани тўғри талаффуз қилган киши эди (372).

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломдан саҳобийлари:

- Ё Расулulloҳ, сен бизнинг ичимизда арабчани фасоҳат ва очиқ ифода билан гапиришга қандай эришдинг?” деб сўраганларида, Пайғамбаримиз:

- Арабча бузила бошлаганида Жаброил алайҳиссалом бобом Исмоил алайҳиссаломнинг луғатини менга топ-тоза шаклда такдим ва талқин этди, — деди (374).

Нух тўфонидан кейин Бобилда тўпланган одамлар ҳам сурёнийча гаплашар эди (375).

Иброҳим алайҳиссалом эса Қусадан чиқиб, Фирот дарёсидан кечгандан сўнг Аллоҳ тарафидан иброний тилида гапиртирила бошлаганди (376).

Исмоил алайҳиссаломнинг уйланиши ва Ҳазрати Ҳожарнинг вафоти

Исмоил алайҳиссалом вояга етганда, Макка атрофида истиқомат қиладиган имлоқлардан бир кизга

уйланди, аммо ундан фарзанд кўрмади (378). Бу Саъд кизи Жаддо (379) ва ёки Саид бин Усамонинг кизи Умаро эди (380).

Исмоил алайҳиссалом 20 ёшда экан, онаси Ҳазрати Ҳожар вафот этди, ёши тўқсон атрофида эди. Исмоил алайҳиссалом онасини Маккада (бугунги Каъбага боғланган, ярим доира шаклида бир девор билан ўралган) Ҳижр деб номланган ерга дафн этди (381).

Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғлини ва оиласини кўришга келиши

Иброҳим Алайҳиссалом Ҳазрати Ҳожар ва ўғли Исмоилни кўриб

келиш учун Ҳазрати Сорадан изн истади. Ва Ҳазрати Ҳожарнинг уйида ётиб қолмаслик шарти билан изн олишга муваффақ бўлди, Маккага келди (382).

Иброҳим алайҳиссалом Маккага келганда, Исмоил алайҳиссалом Умаро исми хотинга уйланган (383) ва Ҳазрати Ҳожар вафот этганди (384).

Иброҳим алайҳиссалом ўғлининг уйини сўради, унга кўрсатишди, аммо Исмоил алайҳиссалом уйда йўқ эди (385). У Исмоил алайҳиссаломнинг хотинига салом берди ва:

- Исмоил қаерда (386), сохибинг қаерда?” деб сўради. Умаро:

- Бу ерда эмас, овга кетган (387). Бизлар учун ризқ излашга, овга чикди (388)”, — деди.

Исмоил алайҳиссалом Ҳарам худудларидан ташқарига чиқиб ов қиларди (389). Умаро кўпол ва бадфеъл хотин эди (390). Иброҳим алайҳиссалом ундан:

- Уйингда меҳмон учун ер борми, егулик-ичгулик борми? — деб сўради.

- Бу ерда ҳеч нарса, ҳеч ким йўқ, — деди Умаро (391).

- Қандай кун кечираяпсизлар? — деб сўради Иброҳим алайҳиссалом.

- Аҳволимиз жуда ёмон. Қашшоқлик ичидамиз, — деб жавоб берди Умаро.

- Эрингга мендан салом сўйла (392). Ва унга де-ки, бу ерга бир чол келди, кўриниши шунақа-шунақа, у “сенинг уйинг эшигига рози эмасман, деди”, деб айт (393). Исмоил бу эшикни алмаштирсин, — деди Иброҳим алайҳиссалом (394).

Ва орқасига қайтди, Шомга кетди (395).

Исмоил алайҳиссалом уйига қайтганида, “Биров мени сўрадимиз?”, деб хотинидан сўрарди (396). Бу сафар уйига кирган заҳоти, бир нарсани сезди (398), отасининг хидини олди (399) ва хотинига юзланди:

- Уйга биров келдимиз?, — деб сўради ундан.

- Ҳа, бир чол келди, — деди Умаро ва чолнинг нималар деганини битта-битта айтиб берди (400). Шунингдек, Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳол ва шонини истихфофли бир шаклда тасвирлади (401).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (10).

- Сени сўради, қандай кун кечираётганимизни сўради, мен қашшоқликдан шикоят қилдим, — деди Умаро.

- Сенга бирор васият қилдимиз (402), сенга нима деди? (403), — деб сўради Исмоил алайҳиссалом.

- У сенга салом айтишимни ва уй эшигини алмаштиришинг кераклигини айтди (404), эрингга айт, уйнинг эшигини янгиласин, деди у чол, — деди Умаро (405).

Исмоил алайҳиссалом:

- Бу чол — менинг отам, у менга сендан айрилишимни буюрибди, (406), сен менинг уйимнинг эшигисан (407), — деди ва Умародан айрилди (408).

Сўнгра Умарони отасининг уйига жўнатди (409).

Исмоил алайҳиссаломнинг такрор уйланиши

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломни кўришга келганда, Журхумийларнинг гўзал арабчасини эшитиб, ўғлини ҳам бу тилда гапиришини кўриб, унга араблардан бир кизга уйланишни тавсия қилди (410).

Исмоил алайҳиссалом араблардан Мудод бин Амрнинг кизини ёқтирди ва отасидан уни истади (411). Кейин у кизга уйланди (412).

Қизнинг исми Роъла (413) ва ёки Саййида (414) бўлиб, ширинсўз, хушфеъл ва назокатли бир хоним эди (415).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Маккага такрор келиши

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

истагани қадар Шомда қолди (416) ва ниҳоят ўғли Исмоилни кўриш учун Маккага бориб келишга Ҳазрати Сорадан изн сўради. Исмоил алайҳиссаломнинг уйида ётиб қолмаслик шарти билан изн олди. Маккага келиб, Исмоил алайҳиссаломнинг уйига борди (417). Аммо уни яна уйдан тополмади (418). Унинг иккинчи хоними қаршисига чиқди. Иброҳим алайҳиссалом унга салом берди. Хотин ҳам алик олди (419).

- Эринг қаерда, қаерга кетди? — деб сўради Иброҳим алайҳиссалом (420).

- Овга кетди (421), ризқимизни излаб кетди, — деди Роъла.

- Қалайсизлар, қандай кун кечираяпсизлар? — деб сўради Иброҳим алайҳиссалом.

- Биз мўл-кўллик ичида яшаяпмиз, алҳамдулиллоҳ (422), ўзи ҳам, иншАллоҳ, ҳозир келиб қолади, Аллоҳ сени ёрлақасин (423), тушиб чой-пой ичсанг бўлмайдами?, — деди Роъла (424).

- Уйингда мисофирга ер борми?, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Ҳа, бор, — деди Роъла (425).

- Нима ейсизлар уйда?

- Гўшт.

- Нима ичасизлар?

- Сув.

- Аллоҳим, буларга гўшт ва сувларини баракатли айла, — деб дуо қилди Иброҳим алайҳиссалом (426).

Шу дуо боис сув билан гўштнинг инсон соғлиги билан уйғунлиги ҳеч бир ерда Маккадаги каби мукамал эмас (427). Бошқа ерларда гўшт ва сув қоришими қоринни оғритади (428).

Агар ўша куни Иброҳим алайҳиссалом ўғлининг уйида нон ва буғдой ёки арпа ёки хурмо ҳақида дуо қилсайди — Макка буғдой, арпа ва хурмоси мўл бир ер бўлиб (429), тупроғи зироатга уйғун бўларди (430).

Иброҳим алайҳиссаломга

- Кел, сенинг бошингни ювайин, — деди Роъла.

Иброҳим алайҳиссалом ҳозирда “Мақоми Иброҳим” деб аталган тош устига оёғини қўйди ва тошда унинг оёқ изи қолди (431).

Иброҳим алайҳиссалом Роълага шундай деди:

- Эрингга салом айт (432) ва унга уйнинг эшиги тузалганини билдир (433). Уй эшигига яхши қарасин (434). Бир чол келиб, эшигини ўзгартирмаслигингни айтди, дегин (435). Унга яхши

қара, деб амр қилди, дегин (436).

Исмоил алайҳиссалом уйга қайтганда отасининг ҳидини сезди (437) ва Роълага:

- Биров келдими? — деди.

- Ҳа (438), хушсуврат (439) бир чол, хушбўйли бир мўйсафид келди. Ва менга шундай-шундай деди, сенга ҳам шуларни айтди. Унинг бошини ювдим. Мана, мақом устида унинг оёқ изи бор (440), — дея Иброҳим алайҳиссаломни мадҳ этди (441).

Исмоил алайҳиссалом отасининг оёқ босгани тошни ўпди (442).

- У сенинг қаерга кетганингни сўради, мен айтдим. Қандай яшаётганимизни сўради, мен “мўл-кўллик ичидамиз”, дедим, — деди Роъла.

- Менга бирор тавсия қилдими?, — деб сўради Исмоил алайҳиссалом.

- Ҳа, — деди Роъла (445). — Бу мўйсафид “эрингга айт, уйнинг эшиги энди тузалибди (444), бу эшикка яхши қарасин”, деди ва сенга салом айтди.

- У менинг отам Иброҳим алайҳиссаломдир (445), сен эса менинг эшигимсан, сендан айрилмаслигимни амр этибди менга, — деди Исмоил алайҳиссалом (446).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

Иброҳим алайҳиссаломнинг Исмоил алайҳиссалом билан бирга Каъбани иншо этиши

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ истагани қадар Шомда қолди ва яна Маккага келди (447), Исмоил алайҳиссаломни топди (448).

Бу унинг Маккага учинчи марта келиши эди (449). У пайтда Исмоил алайҳиссалом 30 ёшида эди (450).

Исмоил алайҳиссалом Замзам кудуғининг орқа тарафида қатта дарахт соясида ўқ йўниб ўтирарди, отасини кўриб, ўрнидан турди.

Ота-бола ҳасрат билан бир-бирини кучоқлаб, ўпдилар (451). Иккиси ҳам севинчдан шундай йиғладилар-ки, уларнинг йиғисига қушлар ҳам жўр бўлишди (452).

- Эй Исмоил, акбар бўлган Аллоҳ менга муҳим бир иш топширди, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Роббинг сенга не амр этган бўлса, уни дарҳол бажо келтир, — деди Исмоил алайҳиссалом.

- Бу ишда сен менга ёрдам этасан, — деди ота.

- Мен сенга ёрдам этаман, — деди ўғил.

- Шони улуғ Аллоҳ менга бу ерда (453) ўзи учун (454) бир Байт иншо этишимни буюрди, — деди (455) Иброҳим алайҳиссалом.

- Қаерда? — деб сўради (456) Исмоил алайҳиссалом.

Сал юкоридаги (457), сел келганда босмайдиган, устини чағиртош қоплаган (458) кичик дўнгликни кўрсатиб:

- Байтни мана шу ерга қурамыз, — деди (459) Иброҳим алайҳиссалом.

Шундай қилиб икковлон Каъбанинг тамалини қазिशга бошладилар.

Улар Одам алайҳиссалом қазган тамалга қадар индилар. Тамалда 30 кишининг зўрға кўтариши мумкин бўлган қатта тошларни кўришди.

Каъбани шу тошлар устига янгидан қуришга бошладилар (460). Исмоил алайҳиссалом тош ташиса, Иброҳим алайҳиссалом девор ўрарди (461). Деворлар юксалган сари Иброҳим алайҳиссаломнинг пастдан тош олиши қийинлашди (462). Унинг ишини осонлаштириш учун ўғли Исмоил алайҳиссалом бугунда “Мақоми Иброҳим” деб

аталган тошни келтириб қўйди. Иброҳим алайҳиссалом ўша тош устига чиқиб, ишига давом этди (463). Байтуллоҳ қурилиб битгунга қадар бу тош иншоат теварагида айлантирилиб фойдаланилди. Унинг устида Иброҳим алайҳиссалом ишлаб кун ўтказгани учун тошга “мақоми Иброҳим” исми берилди (464).

Иброҳим алайҳиссалом девор тиклаб, ўғли Исмоил алайҳиссалом унга тош узатар экан, улар (465):

- Эй Роббимиз, бу хизматимизни қабул эт! Шубҳа йўқки, ҳар нарсани ҳаққи билан билган Сенсан!, — деб дуо қилишарди (466).

Иброҳим алайҳиссалом деворни юксалтар экан, унга бугунги “Ҳожар-ул асвад”нинг турган жойига яқинлашганда, Исмоил алайҳиссаломга:

- Менга шундай бир тош берки, одамлар Каъба тавофини бошлаши учун бир нишон бўлсин, — деди.

Исмоил алайҳиссалом бир тош топиб келди, аммо Иброҳим алайҳиссалом бу тошни ёқтирмади (467).

(Давоми келгуси сонда)



УКРАИНА ОЛИЙ РАДАСИ “МИЛЛИЙ МАНСУБЛИГИГА КЎРА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қирим татарлари Мажлиснинг расмий сайтыда берилган хабарга кўра, 2014 йил 17 апрель куни Украина халқ депутатлари қирим татарлари миллий ҳаракатининг тан олинган раҳбари Мустафо Жамилов томонидан ёзилган “Миллий мансублигига кўра депортация қилинган шахсларнинг ҳуқуқларини қайта тиклаш тўғрисида”ги № 0921 сонли қонун лойиҳасини маъқуллаганлар.

Қонунни ёқлаб Раданинг 238 нафар аъзоси овоз берган Муҳокама жараёнида депутатлар мазкур қонуннинг авваламбор қирим татарларининг ҳуқуқларини қайта тиклаш билан боғлиқ эканини таъкидлаганлар. Унга биноан, миллий мансублиги сабабли сургун қилинган шахслар мақоми ва уларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича давлат кафолатлари белгиланади. Қонунда айтилишича, депортацияга учраган шахс дея Украина фуқаролигини олган ва СССР ёки Иттифоқ республикалари давлат ҳокимияти органлари қарори билан бугунги Украина ҳудуди ҳисобланган ерлардаги доимий яшаш жойидан мажбуран кўчирилган қирим татарлари миллатига мансуб шахслар ва собиқ СССР фуқаролари бўлган бошқа миллатлар аҳолиси тан олинади. Депортация қилинган шахслар сирасига, шунингдек, қонунга биноан, ҳарбий хизматни ўтаб қайтиши, эвакуация, мажбурий меҳнат ва жазо ўташ муассасаларидан қайтгач ўз оила аъзоларига қўшилиш учун махсус посёлкаларга мажбуран кўчирилган собиқ СССР фуқаролари киради. Сургун қилинган шахсларнинг доимий яшаш жойларидан кўчирилишлари ортидан ва мазкур қонун амалга киргунига қадар туғилган фарзандлари ҳам депортация қилинган шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, қонун депортацияга учраганлик мақомини бериш ва ундан маҳрум қилишнинг ижроий ҳокимият марказий органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган нормани ҳам ўз ичига олади. Айни дамда мазкур орган Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда депортацияга учраган шахсларнинг ҳуқуқларини қайта тиклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

УХХ ахборот бўлими

РУС МИЛЛАТЧИЛАРИ: ЎРТА ОСИЁДАН КЕЛГАНЛАРГА РОССИЯ ФУҚАРОЛИГИ ТАРҚАТИЛИШИГА ҚАРШИМИЗ

16 апрель куни Россия Федерацияси Кенгаши расмий сайти сенаторлар томонидан мазкур қонуннинг қабул қилинганини маълум қилди.

Ушбу қонун, Россия фуқаролигига даъвогар шахс рус тилини билиш даражаси бўйича суҳбатдан ўтишини назарда тутди.

Бу ерда асосий эътибор унинг маълумоти эмас, балки тилни қай даражада билиши ва кундалик ҳаётида ишлатишига қаратилади.

Суҳбатдан муваффақиятли ўтганлар учун Россия фуқаролигини олиш муддатлари қисқартирилади. Қонун фуқароликни олиш билан боғлиқ процедураларнинг уч ойдан ошмаслигини белгилайди.

Бирок, рус миллатчилари ушбу қонуннинг қабул қилиниш арафасида мазкур ҳужжатга қарши 1 май куни норозилик акцияси ўтказишларини эълон қилишганди.

Хусусан, Нусра-инфо ахборот-сиёсий порталнинг ёзишича, “Русские” бирлашмаси лидери Дмитрий Демушкин Россия фуқаролигига қабул қилишни соддалаштирилган тартибини белгиловчи қонунга қарши 1 май куни норозилик акцияси ўтказилиши ҳақида рус миллатчилари шаҳар ҳокимиятини огоҳлантирганини таъкидлаган.

“Биз 1 май акцияси учун ариза топширдик. Аризада ҳар йилгидек Октябрь майдонидан Щукинскаягача бўлган юриш йўналиши кўрсатилган. Қатнашчиларимиз сони 2,5 минггача бўлишини билдирганмиз”, – дейди Демушкин.

Унинг сўзларига кўра, акция ташкилотчилари шаҳар полицияси билан ҳам музокаралар ўтказишган.

Бирок, полиция идоралари акцияда Украина миллатчи ташкилотларининг ҳам қатнашиш эҳтимолидан ҳавотир билдиришган. Ўз навбатида Демушкин ташкилотчиларининг кимгадир акцияда қатнашишни таъқиқлашга ҳақлари йўқлигини таъкидлайди.

“Акциянинг асосий мақсади битта – Россия фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги қонунга қарши норозиликдир”, – дея таъкидлайди “Русские” бирлашмаси лидери.

“Бу Ўрта Осиёдан келганлар учун фуқаролик тарқатилишига қарши тадбирдир.

Биз фақат русларга ва Россиянинг туб аҳолиси бўлганларгагина фуқаролик берилиши тарафдоримиз. Руслар, украинлар ва белоруслар – барчаси руслар саналади ва улар сунъий равишда ажратилишган.

Шунинг учун ҳам биз украинлар ва белорусларга фуқаролик берилишини қўллаб-қувватлаймиз”, – дейди Демушкин.

Эслатиб ўтамиз, Россия фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаси Қирим референдумидан уч кун олдин – 13 март куни Россия давлат Думаси муҳокамасига қўйилганди ва 2 апрель куни биринчи ўқишнинг ўзидаёқ депутатлар томонидан маъқулланганди.

UZBEK.FM



Унинг фикрича, шаҳар матбуот Мариуполдаги асосий тепасидан учиб ўтаётган отишмалар шаҳарда жойдашган реактив самолёт бирор бир 16290 сонли ички ҳарбий қисмда ракета ота олмасди чунки бўлиб ўтгани ҳақида хабар тарқатди. ҳарбий булинма шаҳар 17 апрель куни эрталаб Украина марказида жойлашган. ички ишлар вазири ўзининг face-book саҳифасида номаълум якин бутун шаҳар аҳолисини, шахслар томонидан Мариуполдаги ёш болаларни реактив ички ҳарбий қисмга ҳужум самолёт овозида ваҳимада уюштирилганини тасдиқлаган.

Украинанинг Мариуполь шаҳрида вазият таранглашмоқда

Украинанинг жанубий-шарқида, хусусан, Мариуполь шаҳрида 16 апрель куни туни билан отишмалар тўхтамаган. Шаҳардаги воқеалар ривожини бевосита кузатиб бораётган ЎХХ аъзоси Дўстназар Худойназарнинг айтишича, ярим тунда шаҳар тепасида ҳарбий қирувчи самолётнинг пастлаб учиши натижасидаги шовқин шаҳар аҳолисини анча ваҳимага солиб қўйган.

“Кеча тунги соат 23 ларда Мариуполь шаҳри устида реактив самолётнинг пастлаб шаҳар тепасида учиши шаҳар аҳолисини ваҳимага солди. Кимлардир суратга олишди, кимлардир видеотасвирга туширишди. Осмонда туриб аҳолини ваҳимага солувчи бу тактика кимга кераклигини англаш жуда ҳам қийин”, — дея таъкидлайди Дўстназар Худойназар.

уйғотиш кимга керак бунисни мен тушунмадим”, — дейди ЎХХ фаоли. Шу билан бирга, шаҳар марказида ҳам 16 апрель куни туни билан отишмалар овози эшитилиб турган. Ҳатто баъзи хонадонларда ўк излари ҳам пайдо бўлган. Аини пайтда Мариуполь шаҳрида бўлган Дўстназар Худойназар томонидан юборилган суратларда аҳоли хонадонларидаги ўк излари акс этган.

Унинг сўзларига кўра шаҳар марказида содир бўлаётган отишмаларни одамлар кўп қаватли уйларида туриб кузатиб туришган. “Шаҳар марказида отишмалар тинимсиз эшитилиб турди, шу билан бирга реактив самолётдан отилган тунни ёритувчи рангбаранг мушаклар шаҳар аҳолисида ваҳима уйғотди”, — дейди ЎХХ аъзоси. Бундан ташқари, маҳаллий

Унинг ёзишича ИИВ ходимлари орасида қурбонлар йўқ. Дастлабки маълумотларга кўра 13 та одам яраланган ва 63 киши қўлган олинган.

17 апрель куни НТВ телеканали Мариуполь шаҳри томон ҳарбий техника ҳаракатланаётгани ҳақида хабар берди.

ЎХХ ахборот бўлими



ҚИРҒИЗИСТОНЛИК 200ТА ФУҚАРО РОССИЯ АРМИЯСИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁР

Россия мигрантлар Федерацияси Россиядаги меҳнат мигрантларнинг Россия армияси сафида хизмат қилишга тайёрлиги ҳақида баёнот берди, деб ёзади РИА Новости ахборот агентлиги.

“Биз бундан буён атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга кузатувчи сифатида қарай олмаймиз. Россияда яшовчи халқларнинг ҳеч қандай мафкуравий айирмачиликсиз ҳамда келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар бирлашиш, жамланиш ва халқлар бирлигини таъминлаш даври келди.

Фақат дунё халқлари бирлиги бизни ҳимоя қилиши мумкин”, — дейилади ФМР бошлиғи Муҳаммад Амин берган баёнотда.

“Қирғизистон меҳнат мигрантларининг минтақалараро ижтимоий ҳаракати” жамоат ташкилоти раҳбари Алишер Маданбековнинг таъкидлашича, сўнгги икки йил ичида тахминан 200 тача Қирғизистон фуқароси Россия

армияси сафида хизмат қилиш истагини билдиришган. “Одамлар нима қилишаётганини билишади.

Дедовшина, тартибсизлик ва зўравонлик сабаб ёшлар учун армияда хизмат қилиш совет давридан бери осон кечмагани туфайли мазкур тузилмада ҳамма вақт кадрлар етишмовчилиги бор”, — дейди Маданбеков. Унинг фикрича маҳаллий ҳукумат бунга эътиборсиз муносабатда бўлиб келган.

Россиялик ҳарбий мутахассис, Россия мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоат кенгашининг собиқ раиси ва “Миллий мудофаа” журнали бош муҳаррири Игорь Коротченко мигрантларнинг Россия ҳарбий кучларида хизмат қилиш истагида эканлигидан ҳеч қандай салбий жиҳат кўрмаслигини таъкидлайди.

Коротченконинг сўзларига кўра, “асосий эътибор Россия фуқароларига қаратилганлиги сабабли мигрантлар армиясига тўлик рухсат берилмаслиги мумкин,

бирок ушбу контингентдан қурилиш билан боғлиқ заҳиралар сифатида унумли фойдаланиш мумкин”.

“Россияда яшовчи мигрантларга армияда хизмат қилишга рухсат беришни сўраб муурожаат қилишнинг ўзи ғалати туюлади”, — дейди Россия Федерацияси президенти қошидаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси Владимир Шапошников, “Россиянинг амалдаги қонунчилигига кўра чет эл фуқаролари шартнома асосида аскар, матрос, сержант ва старшина сифатида Россия ҳарбий кучлари ва ҳарбий бўлинмалари таркибига хизматга олиниши мумкин”.

Бундан ташқари, Шапошниковнинг таъкидлашича узоқ муддат ҳарбий хизмат қилган чет эл фуқароларида фуқаролик олиш жараёнини тезлаштириш имкониятлари ҳам мавжуд. Бирок, чет эл фуқаролари офицерлик лавозимларида хизмат қила олишмайди.

(Давоми: Боши олдинги сонда)

1991 йилнинг сентябрига келиб “Эрк” ва “Бирлик” Ўзбекистон адлия вазирлигидан расмий рўйхатдан ўтказилди. “ЭРК” газетаси чиқа бошлади. Қисқа фурсатда унинг тиражи 100 минг нусхадан ошиб кетди. Бу Ўзбекистон шароитида мисли кўрилмаган ҳол эди. Совет даврида-

видение биноси олдида ўтказилган норозилик митингидан сўнг... Сайловга ўн кун қоларкан, ҳукумат пойтахтдаги барча талаба ёшларни каникул уюштириб, уйларига жўнатиб юборди. Тошкентлик талабалар Муҳаммад Солиҳнинг мухлислари эди. Шунга қарамай, Ғарблик кузатувчилар мамнуниятини

барҳам бериш лозим эди. Бу йўлда ҳам биринчи кадамни Муҳаммад Солиҳ кўйди. 1992 йилнинг мартида “ЭРК” ташаббуси билан Ўзбекистон Демократик кучлари Форуми ташкил топди.

Унга «ЭРК», «БИРЛИК», «ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР УЧУН» ҳаракати, «ТУРКИСТОН», «ТЎМАРИС», «ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ОЛИМЛАР УЮШМАСИ» каби ташкилот ва бирлашмалар жам бўлган эди. Унинг биринчи анжумани Муҳаммад Солиҳ раислигида ўтди. 1992 йил ёз ойида бир неча киши «Миллий мажлис» деган акцияни кун тартибига олиб чиқишди.

«ЭРК» партияси котиби Отаназар Орипов, Президиум аъзоси Саловат Умурзоков ва “Бирлик” чи Ҳазраткул Худойбердиевлар қамокқа ташландилар. Муҳаммад Солиҳ бу “акция”га кўшилмаган бўлса-да, унга ҳам айб эълон қилишди. 1992 йилнинг кеч кузидан ундан Тошкентни тарк этмаслик ҳақида тилхат олишди... Аммо Муҳаммад Солиҳ уйда ўтирмади Тошкентни тарк этиб, Қозоғистонга борди ва у ерда бир уйда 2 ой қолиб, ўзининг “Давлат сирлари” китобини ёзди. Китоб ҳукуматга қарши ёзилган бир памфлет эди. Солиҳ бу китобини Алматида 20 минг нусхада бостириб, Ўзбекистонда тарқатишга ҳам улгурди. Президент Каримов сайловлардан сўнг дарҳол муҳолифатни тамомила тугатиш ҳақида кўрсатма берди. Бунинг икки сабаби бор эди. Биринчи сабаб: Сайлов ҳисоботидаги беҳисоб кўзбўямачилик ва лўттибозликларга қарамай, муҳолифатдан президентликка кўрсатилган номзод сайловчиларнинг 12.7 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди. Бу муҳолифат учун сайловчиларнинг 1 миллион 115 минг аъзоси овоз берди, дегани эди. Ҳали шаклланиб улгурмаган бир партия ярим эркин сайловларда шунча овоз олса, холис сайловларда қанча олади? деган ҳаёл ҳукуматни тамомила саросимада қолдирганди. Иккинчи сабаб: муҳолифатнинг тамоман бирлашиш хавфи эди.

1992 йилнинг 5 май куни Муҳаммад Солиҳни Президент Каримов ўз ҳузурига тушликка таклиф қилди, “ЭРК”чиларга бир қанча вазирлик вазифасини, Солиҳнинг ўзига эса ҳукуматдаги энг юқори лавозимни таклиф қилди.

М.Солиҳ: «Бу лавозимлар эвазига Каримов мендан «Ўзбекистон Демократик кучлар Форуми»ни

(Давоми кейинги саҳифада)

ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

ги каби Президентни Олий Кенгаш тарафидан эмас, умумхалқ овози билан сайлаш пайти келганди. Халқ кўтаринки руҳда эди.

1991 йилнинг Октябри ойи сессиясида бир гуруҳ депутат Каримовни президентликдан олиб ташлашга уриниб кўришди. Лекин гуруҳ уюшмаганлиги ва журъатсизлиги боис бу уриниш натижа бермади. Каримов сувдан қуруқ чиқди. Август ойида юз берган Янаев путчи ва унинг мағлубиятидан то 1991 йил декабрда бўлажак сайловгача тўрт ойга яқин бир қисқа муддат ичида ўзбеклар озгина бўлса-да сиёсий ҳуррият ҳавосида яшадилар. Бу озодлик нашидаси атиги 4 ой давом этди. Парламент Президентлик сайловларини декабрнинг охирида белгилади. “ЭРК” партияси Муҳаммад Солиҳни Президентликка номзод қилиб кўрсатди. Аммо Каримов сайловда муқобил номзод бўлишини истамасди. У Муҳаммад Солиҳ сайлов кампанияси даврида номзодини қайтариб олиши учун унга икки марта одам юборди. Юқори мартабали мулозимлар Муҳаммад Солиҳдан номзодини қайтариб олишни илтимос қилишди. Лекин Солиҳ охиригача курашишга қарор қилганди. Бу сайловга халқаро жамоатчиликнинг қизиқиши жуда катта эди. Сайловда иштирок этиш учун биринчи ва сўнгги бор Ўзбекистонга Ғарб делегациялари ташриф буюришди. Америка Қўшма Штатлари сенатор Де Консини бошчилигидаги делегацияни жўнатди. Ислоҳ Каримов Ҳисоб Комиссиясига Муҳаммад Солиҳнинг сайлов кампанияси учун давлат томонидан ажратилган маблағни беришни таъқиқлади. Солиҳ билан бўлган учрашувлар каттик таъйиқ ва таъқиқлар остида ўтар ва ёки умуман ўтказилмасди. Матбуот, радио ва телевидение ҳам фақат бир киши – Каримовни пропаганда қилиш билан банд эди. Муҳаммад Солиҳ фақат бир мартаба телевидение орқали чиқишга эришди, ҳолос. У ҳам бўлса Тошкентдаги теле-

яширмадилар: “Кўчаларда “Калашников” билан юриб, одамларни отиб ўлдиришмаганлари учун Худога шукр қилинлар! Сайловлар ноҳалис ва ноҳалол бўлса ҳам, ҳар қалай ўтди-ку!” Ғарбнинг Урта Осиё минтақасига бўлган “иккиюзламачи” сиёсати шундай бошланганди. Сайлов 1991 йилнинг 29 декабрда бўлиб ўтди. 30 декабрь кундуз куни соат 12.00 да Ўзбекистон радиоси сайловнинг тахминий яқунларини эълон қилди. Бу маълумотга кўра Муҳаммад Солиҳ сайловчиларнинг 33 фоиз овозини олгани расман эълон қилинди. Орадан бир неча соат ўтгач эса, худди шу радио “хато бўлганини” айтиб, Солиҳ 33 фоиз эмас, балки, 15 фоиз овоз олганини эълон қилди. Кейинги кун эса Ислоҳ Каримов сайловчиларнинг 86 фоиз овозини олгани, Муҳаммад Солиҳ эса - 12.7 фоиз овозга эга бўлгани эълон қилинди... Ислоҳ Каримов: “Ўзбекистон республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга қасамёд қиламан. Қасамёд яна бир марта ичмоқчиман».

ИСТЕЪФО

Бошловчи: 1992 йилнинг 16 январь куни Тошкентда талабалар намоиши бўлиб ўтди. Талабалар муҳолифатнинг катта шахарлардаги асосий қатламини ташкил қилган эди. Ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб, намоишга чиққан талабалар Каримов миршаблари томонидан ўққа тутилди. Кўплар яраланди, икки нафар ёш йигит ҳалок бўлди. Каримов ўзининг уч йиллик бошқаруви давомида ўз тахтига таҳдид солиб қўйган бу қайсар авлоддан биринчи мартаба ана шундай қонли ўч олиши эди... Талабаларни ўлдириш баробарида у муҳолиф кучларга бундан бўён унинг сиёсати билан келишмаган гуруҳлар ана шундай жазоланишини шаъма қилгандек эди гўё. Талабаларнинг ўлдирилиши муҳолифатни анча сергаклантириб қўйди. Энди кучларни бир жойга тўплаб, муҳолифат тарқоқлигига

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тарқатиб юборишни сўради. Мен Форумни тарқатиб юбориш менинг қўлимда эмаслигини айтдим. Мен унга айтдимки, «Аксинча, сиз Форумга келиб, биз билан халқ бахт саясати учун ишламоқчи эканингизни айтинг», дедим. Ва яна: «Биз конструктив муҳолифат бўлаёлик, Сиз

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

конструктив ҳукумат бўлинг!» деб айтдим. Каримов бу таклифларимни қабул қилмади. У: «Мен сиз учун иккита фармон тайёрладим, бу лавозимлардан биттасини қабул қилинг ва шу ерда фармонга қўл қўяман», деди. Унинг таклифини мен қабул қилмадим. Бундан кейин, албатта, бутун жабҳалар бўйлаб бизга қарши Каримовнинг ҳужуми бошланди ва биз эришган барча ютуқларни бир йил ичида ер билан битта қилди».

Сессия кун, яъни 1992 йилнинг 2 июль кун Муҳаммад Солиҳ бу катагон сиёсатни танқид қилиш учун сўз сўради. Аммо унга сўз беришмади. Солиҳ бунга жавобан депутатликдан истеъфо этди.

Гулчехра Нуруллаева: «Муҳаммад Солиҳ ўзбек ҳукумати билан ишлаш жараёнида бу ҳукуматнинг табиатини яқиндан билди. Шунинг учун у депутатликдан воз кечди».

М.Солиҳ: «Албатта, бу радикал бир қарор эди, аммо кундан-кунга кучаймоқда бўлган зулмга қаттиқ бир услубда «тўхта» дейиш зарур эди. Уйладим-ки, агар ҳозир сўз беришмаса, бундан кейин ҳеч қачон сўз беришмайди. Агар уларга бўйин эгсам, мен ҳам ёнимда ўтирган сассиз, садосиз ўша мутеъ коммунистлардан ҳеч фарқим қолмаган бўларди. Мен микрофонга эгилиб учинчи бор сўз сўрадим, аммо бу сафар микрофонни ўчиришганди. Бирдан Олий кенгаш раиси Йўлдошев «Ўртоқ депутатлар, танаффус!» дея бақирди. Ҳолбуки, танаффусга ҳали 40 дақиқа бор эди, Ислоҳ Каримов парда орқасига ўтиб деярли қочди, қочиб кетди. Мен минбарга чиққанимда президиумда ҳеч ким қолмаганди, шу қадар тез ғойиб бўлишганди.

Минбарга чиқиб айтдимки: «Хурматли депутатлар, кўриб турибсиз, Ўзбекистонда бугундан бошлаб диктатура ўрнатилди, мен бунга норозилик сифатида депутатликдан истеъфо қилганимни эълон қиламан»... Кейин орқамга ўгирилиб ҳайъатнинг бўм-бўш столига, депутатлик мандатини ва де-

путатлик нишонини улоқтирдим».

КАТАҒОН

Бошловчи: Хуллас, Солиҳ ўзи орзу қилган “миллат иштирокида ҳуқуқий давлат қуриш” орзусининг бу коммунистлар билан рўёбга чиқмаслигини тушунганди. Энди ҳукумат билан мулоқотдан тамоман

умидини узганди. Ўша давр ҳақида Америкалик журналист Скотт Малкомсон шундай ёзганди:

“Эрк” партияси янги Конституция Лойиҳаси устида ишлар ва ўз тузилмаларини мукамаллаштириш ҳақида бош қотирарди. Шароитлар жуда ёмон эди. Газета чоп қилиши мумкин бўлган ҳукуматнинг бирдан бир “Матбуот уйи” “ЭРК” ҳафталиги тиражини юз мингдан ўн икки мингга тушириб қўйди. Энди эса, мана, ЭРК лидери Олий Кенгаш деб аталган Парламент аъзолигидан истеъфо берди”. (Scott Malcomson, “Empire’s edge”, 1994, pp: 187-191).

1992 йилнинг охирига келиб муҳолифатнинг асосий нашри «ЭРК» газетаси чиқиши ҳам тўхтатилди. Машаққатли ва оғир кунлар келатганди. Энг “хушёрлар” вақтида эсини йиғиб олишга ҳаракат қила бошлашди. Биринчилардан бўлиб “ЭРК” нинг котибларидан Аҳмад Аъзам “эсини йиғиб олди”.

Миллий Хавфсизлик Хизмати ертўласида эса “Миллий Мажлис” ташаббусчиси Бобур Шокиров сўроқ қилинаётганди. 1992 йилнинг декабрида шу масала бўйича Муҳаммад Солиҳни ҳам КГБ га чақириб сўроқ қилишди. У билан бирга “ЭРК” газетаси ходими Муҳаммад Бекжонни ҳам ўша ерда сўроқ қилишди.

“The Sunday Telegraph” газетаси 1993 йил 10 январь сонида шундай ёзди: «Муҳаммад Солиҳни ўз офисида авзойи бузуқ бир ҳолда кўрдик. Телефонлари уч ҳафтадир ўчирилган эди, ундан “Эрк” партияси биносини бўшатиб бериш талаб қилинганди. КГБ номини СНБ га алмаштирган идора муҳолифат лидерлари устидан янги кузатув мосламаларини синаб кўраётган пайтлар эди».

“The Baltimor Sun” газетаси (28.02.1993) газетаси шундай деб ёзди: «Ҳукуматнинг қаттиққўл тадбирлари мўътадил муҳолифатнинг ҳафсаласини ҳам пир қилди. Расман рўйхатдан ўтган муҳолифат партияси лидери Муҳаммад Солиҳ ҳам

ўзининг сўнгги интервьюсида: “Биз чекинадиган жойимиз қолмади, бирдан бир йўлимиз – бўйсунмаслик ва қарши туриш, холос. Мулоқот даври тугади!” Бу баёнотидан сўнг Солиҳ милициянинг қатор сўроқларига дучор бўлди ва оқибатда, унга ўлдираемиз деб таҳдид қилишган». Хуллас, ҳукуматнинг Солиҳ атрофида қурган чамбари тобора торая бошлаганди.

Дилором Исоқова: «Мен - Дилором Исоқова, ЭРК матбуот марказида ишлайман. Ҳукумат томонидан ЭРК партияси фаолиятини бутунлай тўхтатиш учун қўлдан келган ҳар қандай ҳаракат қилинапти. Котибимиз профессор Отаназар Орипов ҳам қамоққа олинди. Ордерда кўрсатилишича, «Давлат тўнтаришга ҳаракат»да айбланган. Қандай қилиб давлат тўнтарилиши ҳақида гап бориши мумкин, бу «Миллий мажлис» ҳақида ҳамма қоғозлар Президент аппаратида, Олий Кенгашга битта нусхадан жўнатилган. Агар «Миллий мажлис»га тегишли қоғозлар чиққани учун бир инсонни қамаш мумкин бўлса, бугун Президент аппаратидаги, Олий Кенгашдаги ҳамма кишиларни кўркмасдан қамоққа олиш мумкин. Чунки уларда ҳам бу қоғозлардан битта нусхадан бор».

Бошловчи: Ўша кунлари Муҳаммад Солиҳ ҳақида “The San Francisco Chronicle” газетаси шундай деб ёзганди:

«Ўз ҳаётларида ўзгаришлар бўлишини орзу қилган аксар ўзбеклар дин ва тадбиркорлик эркинлиги тарафдори бўлган шу қирқ уч ёшлик алпқомат кишига ишонч билдиришган эди. Бугун Каримов режими “ЭРК” партияси штаб-квартирасида чирокни ўчириб, газетани ёпди ва бир қанча лидерларни ҳибс этди. Партия фаолларига эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланишни қатъиян тақиқлади... Солиҳга Парламентда сўз беришмади. Махсус хизмат ходимлари унинг халқаро анжуманда иштирок этишига монъелик қилишди. Январь ойда эса давлат рақами бўлмаган автомобиль уни босиб кетишга уринди... Таҳликада қолган Солиҳ ўзининг сўнгги интервьюсида шундай деган эди: “Демократик ҳаракатимиз ўзининг катта ва дадил одимларидан сўнг, тўхтатилди. Бугун кун тартибида ҳаёт ва мамот масаласи турибди. Вазият жиддий. Энди бизнинг вазифамиз – жон сақлаб, тирик қолишдир!”

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Росулуллоҳ с.а.в ҳам Парвардигори Оламга боғланган ва Ҳаводан (ўз хохишича) гапирмайдиган Зот бўлсаларда жуда кўп, муҳим ишларни атрофидаги содда, оми саҳобалар билан бамаслаҳат ҳал этиб қарор қабул қилганлари инкор этиб бўлмас тарихий ҳужжатдир.

Қолаверса, бевосита пайғамбаримиздан кейинги илк

диндир. Аксар реакция диндорлар ва оқимларнинг демократия асосларини Куръон ва шариатга, ислом асосларига мувофиқ ёки йўқлигини анализ қила олмай кўр-кўрона қарши чиқишлари, демократия сўзининг ўзидан талвасага тушиб қолишлари – калтабинлик ва мутаассибликдан бошқа нарса эмас.



ДЕМОКРАТИЯ ВА ИСЛОМ: ЗИДДИЯТМИ, УЙҒУНЛИКМИ?

халифаларнинг сайлов йўли билан ҳокимиятга келганлари ҳам демократиянинг исломга мувофиқлик жиҳатини янада кучайтиради.

Бинобарин, демократияни қабул қилиш, қўллаш дегани қайсидир Ғарб давлатининг қонунларини айнан кўчириб жорий этиш дегани эмас. Ислом юртларида, мусулмон халқ вакиллари ўз иймон эътиқодлари, урф-одатлари, тушунчалари тақозосига мувофиқ ҳар бир масалани ўрганиб чиқишиб сўнгра қарор қабул қилишлари мумкин.

Айнан демократия уларни ҳар хил мажбурият ва зўравонликлардан ҳимоя қилади.

Ҳар қандай масалани, эркин тарзда муҳокама этиб, ўз эътиқодларига, халқ эътиқодига, урф-одатларига мувофиқ, бамаслаҳат қарор қабул қилишларига фақат демократик тузумдагина имконият бор.

Зотан халқ иродасига, хохишига, талабига мос ҳар қандай ўзгаришлар ва ислоҳотлар айнан демократик тузумдагина халқ вакиллари воситасида ҳеч қандай ғалаёнларсиз, инқилобларсиз тинч, осойишта, оқилона тадбир йўли билан амалга ошиши мумкин.

Дарвоқеъ, демократия исломга эмас, диктатурага зид ўлароқ юзага келган системадир. Бутун бир халқ ёки мамлакатни ҳеч кимга ҳисоб бермай ўз изму-ихтиёри, яқка ҳокимлиги остида ушлаб келувчи, халқнинг жуда кўп норозиликларига, охир-оқибат аянчли ғалаён ва инқилобларга олиб боровчи диктаторликка қарши энг самарали, афзал ва одил система – демократиядир. Бинобарин, демократияни исломга қарши қўйишнинг ўзи мантиққа зиддир. Зеро, ислом инсон манфаати ва адолатни олқишлаган, зулмни ва адолатсизликни қоралаган

Улар ўз даъволарида Ғарб демократиясидаги ислом қонунларига зид баъзи тийиксизликларга, ғайриинсоний бузукликларга бўлган рухсатларни рўқач қиладилар. Албатта, бундай ғайриинсоний бузукликларга рухсат берилишига қарши туриш лозим ва бундай жирканч ҳолатларга ўша Ғарб давлатларининг ҳаммасида ҳам рухсат берилган эмас, балки қонуан манъ этилгандир.

Бинобарин, демократия душманларининг Ғарбдаги баъзи салбий ҳолатлар ва камчиликларни рўқач қилиб, “Демократия буткул исломга зиддир” – деб муттаҳамлик қилишлари асоссиздир.

Нафсиламрни айтганда, қотиллик содир қилинганда қотил суд қилинади, қотил кўлидаги пичоқ эмас.

Қотил кўлида жиноят қуролига айлангани учун қолган ҳамма одамлар пичоқ ишлатишдан маҳрум этилмаганидай, демократиянинг кенглигидан ўз бузукликлари учун фойдаланган бир ҳовуч лўттибозлар туфайли қолган барча одамларни Аллоҳ тарафидан берилган эрдан, ихтиёрдан, ҳурликдан, дахлсизликдан маҳрум этилмайди.

Мусулмонлар юрти бўлган Афғонистон дунёнинг ярмига наркотик етказиб бераётгани ва баъзилари орасида баччавозлик деган манфур одат мавжуд бўлгани учун буткул ислом дини ва барча мусулмонларни айблаш тўғри бўлмаганидай, бир гуруҳ нафси бузук лўттибозларнинг тийиксизликлари сабаб буткул демократияни айблаш ҳам инсофдан эмас. “Дин ҳимояси” никоби остида фақат ўз ҳизбий ғояларини илгари сурмоқчи бўлган, бошқалар билан оқилона мунозара, муҳокама, маслаҳат олиб боришдан қочувчи, қайсарлик ва муттаҳамлик билан фақат ўз фикрларини

ўтказишнигина мақсад қилувчи мутаассиб ҳизблар ва оқимлар ҳеч қачон муродларига ета олмайдилар.

Чунки, уларнинг бундай фирромона ахлоқлари Аллоҳнинг ва Пайғамбарнинг амрларига, инсонийлик қоидаларига ҳамда реал ҳаёт воқеълигига мутлақо зиддир. Зеро, қорин тўйдириш, эплаб кун ўтказиш ғамидан бир қадар қутилган, фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий адолатли давлат бошқариш усулларидан бохабар ҳозирги авлод зўрликни, мажбурий тарзда рамкаларга солишга уринишни мутлақо қабул қилмайди.

Фақат, ўзаро ҳурмат асосида тушунтириш, маслаҳат, мунозара ва муҳокама усулларигина қутилган яхши, самарали натижалар бериши ривожланган давлатлар тажрибаларида ҳам яққол кўриниб турибди.

Афсуски, ҳозирги дарс қилинаётган мавжуд исломий таълимотларда инсоннинг ақлини, тушунчасини, ихтиёрини ҳурмат қилиш эмас, зўравонлик тушунчаси ғолиб. Баъзи оқимлар нажотни, муваффақиятни фақат исломий давлат қуриш, мажбурий тарзда ислом ҳукмларини жорий этишда деб ҳисоблайдилар.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло, Ўзи билан бевосита алоқадаги, ўзи қўллаб турган Пайғамбарига ҳам, мажбурий тарзда гапини, ҳукмини ўтказиб, зўравонлик қилишни эмас, балки эслатиш, тушунтиришнигина

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Камолитдин Йўлдош